

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

<https://index.anticorruption.uz/rating/2>

Умумий балл **66,5**

Очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш натижасида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг асосий веб-саҳифасига жойлаштирилган маълумотлардан қуйидаги мезонлар бўйича қониқарсиз кўрсаткичлар қайд этилгани аниқланган.

Очиқлик индексининг 1-индикатори 9-мезони:

- Раҳбар ёки ахборот хизмати раҳбарининг муайян ахборот воқелиги муносабати билан расмий баёнот бериши

2-индикатори 2,5,6,9,13,17,19,20,21,22,24,28 мезонлари:

- Қайта алоқа тизимининг самарали йўлга қўйилганлик даражаси;
- Тасдиқланган дастурлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Оммавий тадбирлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Мурожаатларнинг умумлаштирилган натижаларини эълон қилиб бориш даражаси;
- Маълумотларни бошқа тилларга синхронлаш функцияларининг мавжудлиги;
- Янги маълумотлар билан интерактив усулда танишиш имкони мавжудлиги;
- Жамоатчилик фикрини ўрганиш воситаларининг жорий этилганлиги;
- Веб-сайтда маълумотларни қидиришнинг соддалаштирилган усуллари мавжудлиги;
- Имконияти чекланган шахслар учун веб-сайтдан фойдаланиш қулайлиги;
- Ахборотларнинг санасини кўрсатиш тартибига риоя қилиниши;
- «Онлайн маслаҳатчи» хизматининг ташкил этилганлиги.

3-индикатори 4,5,8,11,15,16,17,18,20,21 мезонлари:

- Тасдиқланган иш режалар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Ҳисобот (хайъат) йиғилишлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;

- Хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Очиқлик соҳасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Ўзини ўзи баҳолаш тартиби тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Очиқлик соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Очиқликни таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Очиқ маълумотлар тўпламини паспортлаш тартибининг жорий этилганлиги;
- Очиқ маълумотлар тўплами ва қайта алоқа самарадорлигини баҳолаш тизимининг жорий этилганлиги.

5-индикатори 5 мезони:

- Очиқ маълумотлар асосида ишлаб чиқилган мобил иловалар сони

6-индикатори 2,4 мезонлари:

- Мурожаат йўллашнинг интерактив усуллари ташкил этилганлиги;
- Раҳбар билан бевосита мулоқот қилиш тизимининг ташкил этилганлиги.

7-индикатори 4,5,6,7,8 мезонлари:

- Коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини белгиловчи ҳужжатларни эълон қилиш даражаси;
- Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг жорий этилганлиги;
- Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш ва натижалари ҳақида ҳисобдорлик тизими йўлга қўйилганлиги;
- Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички тартиб-таомилларидан хабардорлиги ҳамда соҳадаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши;
- Кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилган пресс-тадбирларни (матбуот анжуманлари, брифинг, семинар, тренинг, давра суҳбати, тақдимот, муҳокама ва бошқа тадбирлар) эълон қилиш даражаси.

8-индикатори 1,2,3,4 мезонлари:

- Жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш бўйича белгиланган талабларнинг бажарилиш даражаси;
- Расмий веб-сайтда жамоатчилик кенгаши ҳақидаги маълумотларнинг жойлаштирилиши;
- Жамоатчилик кенгашининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилганлиги ҳамда белгиланган тартибда эълон қилинганлиги;
- Жамоатчилик кенгашининг очиқликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва давлат органи фаолиятини такомиллаштиришдаги иштироки.